

Самарканд вилоят Ургут туман 1-сон Шифохонасида

энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши тўғрисидаги

Эълони

Танлашни ўтказиш шакли: танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: Самарканд вилоят Ургут туман 1-сон Шифохонаси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети: мазкур харид қилиш ҳужжатларини 2-иловасида кўрсатилган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи (товар, иш хизмат миқдори кўрсатилади).

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti: хар бирини нархи ўртача 12 000 000, сўмдан (қўшимча қиймат солиғини инобатга олиб) ошмаган ҳолда жами суммаси 12 000 000 сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан сўнг 90 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Ургут туман Жартепа маҳалласи Ургут туман 1-сон Шифохонаси маъмурият биноси мажлислар зали.

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: тел.:+91-526-36-88. Манзили: Ургут туман 1-сон Шифохонаси маъмурият биноси биноси 1- кават 2- хона

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон килинганидан сўнг камида беш иш кўни давомида, соат 9-00дан 18-00га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

мазкур танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига закат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни қуйидаги ҳисоб рақамларга ўтказиб бериши шарт:

Самарканд вилоят Ургут туман 1-сон Шифохонаси
Хужалик ишлари мудир:



Ш. Пансатов